Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318613

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to‘plami *Andijan 2023 yil 10-noyabr*

ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИНГ ҲОЛАТИ

Умарова Гулчеҳра Абитовна – п.ф.н., доцент, Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳар, Ўзбекистон

Илм-фан йўналишларининг ўзаро интеграцияси ўз моҳиятига кўра мос ҳолдаги фан асосларини намоён қилувчи ўқув фанларида акс этади. Ҳозирги замон илм-фанининг барча тармоқлари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, шунинг учун ҳам ўқув фанлари бир-биридан ажралиб қолиши мумкин эмас. Фанлараро интеграция касбий тайёргарлик жараёнида илм-фан асосларини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштиришнинг асосий шарти ҳамда воситаси бўлиб саналади, билимларни янада чуқурроқ ўзлаштиришга, илмий тушунча ва қонунларнинг шаклланишига, ўқув-тарбиявий жараёнларни такомиллаштиришга ва уни мақбул ташкил этишга, илмий дунёқараш шаклланишига ёрдам беради.

Шунинг учун фанлараро интеграция деганда биз таълим-тарбиявий жараёнларда амалга оширилиши билан билимларнинг умумлашишига, тизимлашишига ва мустаҳкамланишига, умумлашган кўникма ва малакаларнинг, якуний натижада эса – ҳар томонлама ривожланган шахснинг илмий дунёқараши ҳамда сифатларининг шаклланишига ёрдам берадиган ўқув фанлари мақсадлари, вазифалари ва мазмуний элементларининг ягоналигини тушунамиз.

Педагогик фаолиятни ташкил этишда биринчи ҳолат, яъни ҳақиқий педагогик йўналганлик позитив характер касб этиб, педагогик фаолиятда акмеологик даражанинг қўлга киритилишига ёрдам беради. Педагогик фаолиятни ташкил этишда фақатгина биринчи ҳолатдаги педагогик тайёргарлик юқори натижаларнинг қўлга киритилишига ёрдам беради. Ҳақиқий педагогик йўналганликнинг асосий мотиви педагогик фаолиятга қизиқиш ҳисобланади. Бизнинг педагогик кузатишимиз жараёнида ва Бўлажак муҳандисларнинг “Нима учун ўқитувчилик касбини танлаганликлари”нинг асосий сабабларини ўрганганимизда, респондент-талабаларнинг 33% и ўқитувчилик касбини ўз хоҳишига кўра, 31,2% и муайян фанга бўлган қизиқиш ва ота-оналарининг тавсияларига кўра, 35,4% и эса педагогика олий таълим муассасаларида таҳсилни давом эттириш мақсадида ушбу таълим муассасасини танлаганликлари маълум бўлди. Аммо ўқитувчилик касбининг бошқа касб эгаларига нисбатан моддий таъминланганлик ҳолатларининг юқорилиги ота-оналар ичида шаклланган стереотипларнинг ёшларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаганлигидан далолат беради. Ўйлаймизки, бу ўринда касб танлаш мотивлари, касбий йўналганлик ва ҳаётий мақсадларнинг бошқа-бошқа йўналишларда намоён бўлиши ўз ўрнида касбий мослашиш даражасининг паст бўлишига ёки узоқ муддатга узайишига таъсир этади.

Published: 10.11.2023

Cite this article: Умарова Гулчеҳра Абитовна (2023). Интегратив ёндашув асосида бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлик жараёнининг ҳолати. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318613


© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Касбий фаолиятга йўналтиришда касб танлаш мотивларининг яққолроқ намоён бўлиши кузатилса-да, фақат уларнинг ўзигина касбий тайёргарликнинг шаклланишида етакчи рол ўйнай олмаслигини эътиборга олиш лозим бўлади. Чунки, шахснинг мавжуд жисмоний, руҳий ва маънавий имкониятлари танланган касбий фаолиятнинг шахсга нисбатан қўядиган талаблари даражаси билан мутаносиб бўлиши талабаларнинг касбий фаолият муҳитига нормал мослашишига ва рефлекциянинг шаклланишига ёрдам беради.

Касбий имкониятлар – маълум фаолиятнинг шахс иродаси билан боғлиқ объектив шарт-шароитларини ўзида акс эттиради. Одатда бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга мослаштиришда уларнинг объектив имкониятларидан келиб чиқиб ёндашиш, танланган касб ва фаолият талабларига шахс имкониятларининг идентификациялашуви мақсадга мувофиқ саналади. Масалан, ўқитувчилик касбини танлашда нафақат бу касбни севиш, болалар билан мулоқотга киришиш истаги, балки, касбий фаолиятнинг шахсга нисбатан қўядиган жисмоний, психологик ва ижтимоий талаблар унинг имкониятлари доирасида бўлиши касбий билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу боис, бўлажак муҳандисларни касбий мослаштиришда масаланинг мазкур жиҳатларини назарий асослаш ва бўлажак мутахассисларнинг касбий имкониятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бўлажак муҳандисларнинг касбий фаолиятга дастлабки салоҳиятли тайёрлиги айни вақтдаги амалий тайёрлигининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун таълим муассасаларидаги касбий тайёргарликни шакллантириш жараёнида талабаларда касбий фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлган касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш лозим бўлади.

Бўлажак муҳандисларга қўйиладиган сифат талабларини ўзида мужассамлаштирган классификаторда бўлажак муҳандисларнинг умумтаълим мактабларида, академик лицей, касб-ҳунар коллеж, техникум ва ОТМларда фаолият кўрсатиши ва улар ўз мутахассислиги доирасида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг билим даражасини адолатли баҳолаш ва назорат қила олиши юзасидан зарурий касбий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги белгиланади. Шу боис, бўлажак муҳандисларнинг касбий мослаштиришда ихтисослашган тавсифномасида уларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган малакавий талаблардан келиб чиқиб, касбий билимлар мазмуни қуйидаги аспектлар билан боғлиқ ҳолда

белгиланишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади (1.1-расм).



1.1-расм. Бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган малакавий талаблардан келиб чиқиб, касбий билимлар мазмунига қўйилган аспектлар

Педагогик кузатиш ва тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида талабаларнинг касбий билимларни ўзлаштириши ва касбий-педагогик қобилиятлар, кўникма ва малакаларнинг шакллантирилиши ўртасидаги интеграцион тузилма етарлича қарор топмаган. Бу эса ёш мутахассислар фаолиятининг биринчи беш йиллигида баъзи қийинчиликлар, конфликтлар ёки касбий муваффақиятсизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши аниқланди. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, унинг етарлича эътиборга олинмаслиги ҳам касбий тайёргарликни шакллантириш жараёнида баъзи негатив ҳолатларни келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларидаги ўқув фаолиятининг маҳсули бу касбий билимларнинг ўзлаштириш жараёни ҳисобланади. Лекин баъзида шундай вазиятлар ҳам учраб турадики, касбий масалаларни ҳал этишга яхши тайёргарлик кўрган мутахассис зарур пайтда керакли фаолият учун тайёр бўлмай қолиши мумкин.

Бундай ҳолатда педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди, ёки самарасиз бўлади. Кўриниб турибдики, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги унда нафақат касбий билимларнинг керакли даражасини, балки психологик тайёргарликни, ўзини – ўзи бошқариш ва керакли фаолиятга йўналтириш, ўқувтарбия жараёнини бошқариш, касбий, маънавий ва жисмоний

имкониятларини керакли шароитда қўйилган масалани ҳал этишга тўғри йўналтира билиш билан боғлиқ касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, жараёнга мослаштиришни назарда тутади. Чунки, айнан шу кўникма ва малакалар Бўлажак муҳандисларни касбий мослаштириш жараёнидаги зарурий феноменлар сифатида баҳоланади.

Олиб борилган таҳлил натижаларидан маълум бўладики, педагогик амалиёт, мустақил таълим, тўгараклар, аудториядан ташқари ишлар, жамоавий тадбирлар, ижодий кастинглар ва бошқа турдаги ташкилий тадбирлар талабаларнинг касбий мослашиш ва ривожланишдаги муҳим воситалардан саналади. Замонавий дунёнинг жадаллиги репродуктив, анъаналарга асосланган ва ўзлаштирилган технологияларни қўллаш чегараларини қисқартиришга олиб келади ва инновацион фаолиятнинг қўлланилишини кенгайтиради. Шундай қилиб, муҳандиснинг касбий тайёргарлиги мавжуд ҳажм ва илгари олинган ва текширилган илмий-техник ютуқлар даражаси ва уларни ривожланаётган корхонада қўллаш даражаси ўртасидаги фарқни бартараф этишни таъминлаши керак.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Бабанский Ю.К. Оптимизация процесса обучения.М.: Педагогика, 1977. -256 с
2. Бадуева Н.М. Методы и формы определения межпредметных связей // сб. нар. тр. ВНИИЛТО, Выпуск 46 л. 1987. – С. 40-32.
3. Введенский, В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога. / В. Н. Введенский // Педагогика. - 2003. - № 10. - С. 51-55.
4. Умарова Г.А. Разработка методов оптимального обучения моделированию виртуальных лабораторных работ по физике / Science and education scientific journal volume 3 issue 4, 2022, -1554 стр.
5. Umarova G. A. Improving the method of effective teaching for modelling and performing virtual laboratory works in physics / Current research journal of pedagogics, vol.3 no.11(2022), pp.06–18, https://masterjournals.com/index.php/crjp/article/view/1065
6. Kasimakhunova A.M., Umarova G. A. Development of methods for effective learning in modeling the properties of semiconductors for research works // Scientific Bullettin of NamSU 2022 № 7 pp 320-327.
7. Umarova G. A. The use of the principles and methods of mathematical modeling in solving physical problems in technical universities. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 2023/2/1, 112–119.
8. Kasimaxunova, A., Umarova, G. (2023). Issues of Effective Study of Semiconductor Device Properties in Engineering Educational Institutions. Journal of Higher Education Theory and Practice, 23(12). https://doi.org/10.33423/jhetp.v23i12.6236.